
ФАХРИЙ- ЖАНГЧИЛАР ШАРАФЛАНДИ.

ТУМАНДАГИ “НИЛУФАР” ТАНТАНАЛАР САРОЙИДА СОБИҚ ИТТИФОҚ ҚЎШИННИНГ АҒОНИСТОНДАН ЧИҚАРИЛГАНИГА 31 ЙИЛ ТЎЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ФАХРИЙ- ЖАНГЧИЛАР УЧУН БАЙРАМ ДАСТУРХОНИ ЁЗИЛДИ.Шукроналик байрамида икки юз нафардан ортиқ фахрий- жангчилар, қўшни Бағдод, Учкўприк туманлари ва Қўқон шаҳри «Ветеран» фахрий-жангчилар ва ногиронлар уюшмаси раислари жам бўлди. Анжуманда туман ҳокими ўринбосари Ғ.Мамажонов фахрий- жангчиларнинг ўз вақтида қилган мардликлари, жасоратлари ҳақида тўхталиб, уларга туман ҳокимлиги ва ҳомийлар томонидан тайёрланган совғаларни топширди. Байрам иштирокчилари бир пиёла чой устида ширин суҳбат қурдилар.

2022-03-17 13:04:57